



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нарҳда сотилади


Пахта — 2006

ФЕРМЕРЛАР ХИРМОНГА БАРАКА КИРИТАЯПТИ

Айни кунларда вилоятимизнинг пахтакор туманлари далаларида бўлган кишининг кўзи қувнайди. Ёз бўйи деҳқон меҳрига қонган гўзаллардаги шигил кўсақлар бодраб очилмоқда. Пахтакорлар ўтаётган ҳар кунни ғанимат билиб, бор куч ва

имкониятларини ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишга, зиммаларидаги масъулиятли вазифани барвақт адо этишга ошқоқдалар. Шу боис, вилоятимизда йигим-терим мавсуми тобора қизғин паллага кирмоқда.

Соҳа мутахассислари ҳамда тармоқда суяги қотган асл заминдорларнинг эътирофи этишича, бу йил вилоятимиз далаларидаги ҳосил ўтган йиллардагига нисбатан 7-10 кун эрта пишиб етилмоқда. Бу, аввало табиат инъоми, қолаверса, захматкаш деҳқонларимизнинг ўзига хос ютуғидир. Хомаки ҳисоб-китобларга кўра, бу йилги ҳосилнинг деярли ҳаммаси юқори навларга сотилишига эришиш имкони мавжуд.



Дарҳақиқат, бу йилги пахта ҳосилининг муддатидан кечикмай пишиб етилиши уни эрта кузнинг илқ-иссиқ кунларида йиғиштириб олиш имконини бермоқда. Фурсатдан фойдаланиб, отни жадал қамчилаётган кўплаб фермер хўжалиқларида бирин-кетин давлат бу-

юртмалари удаланмоқда. Чиноз туманидаги «Йўлтушган» фермер хўжалиқлари уюшмасига қарашли заминдор Махмуд Ғафоров бошлиқ деҳқонлар ҳам биринчи теримнинг ўздаёқ қабул пунктларига қарийб 15 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, ҳосилдорлики 31 центнердан оширишга муваффақ бўлдилар. Дарвоқе, бу йилги мавсумда Оққўрғон тумани фермерларининг ҳам кўли баланд келмоқда. Аксари-ят заминдорлар пахта

майдонларида мўл ҳосил тўпланиб, йигим-терим ажд паллага кирмоқда. Қувонарлиси, давлат эҳтиёжлари учун ҳам ашё етказиб бериш шартномаларини ёруғ юз билан адо этаётган фермерлар сафи кун сайин ортмоқда. Хусусан, тумандаги «Т. Ислоҳ», «Тонг», «Эрали» ҳамда Жамила Расулова номли фермер хўжалиқлари аъзолари ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштириб, зафар маррасини барвақт босиб ўтдилар. Хозирча уларда ўртача ҳосилдорлик 28-30 центнерни ташкил этаёпти. Муҳими, давлат буюртмалари бажарилётган фермер хўжалиқларида ҳали ҳосил бисёр. Аксари-ят заминдорларимиз мавсум якунига ҳосилдорлики камидан 35-40 центнерга етказишга аҳд қилишган. **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.**

ХАЛҚАРО МАТБАА КЎРГАЗМАСИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «O'zbek in print» — «O'zpress» саккизинчи халқаро кўргазмаси бошланди.

Юртимизда саккизинчи марта ўтказилаётган мазкур тадбирда мамлакатимизнинг ўттиздан зиёд матбаа корхонаси, Россия, Германия, Франция, Чехия, Қозғистон каби давлатларнинг йигирмадан зиёд компанияси ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Кўргазманинг очилишида мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий полиграфия ва матбаа соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Кўргазмада замонавий чоп этиш, безаш, ранг бериш,

пардозлаш, муқовалаш технологиялари ва ускуналари билан танишиш мумкин. Шу билан бирга, турли кўринишдаги босма маҳсулотлари, картон дизайнга оид янги ускуналарнинг кулайликлари ва имконияти томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Уч кун давом этадиган кўргазма доирасида «Йилнинг энг яхши этикеткаси дизайни» бўйича учинчи миллий кўрик-танлов, матбаа соҳаси янгиликларига оид семинарлар, янги қўшма корхоналар тақдимоти бўлиб ўтади. **Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.**

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Корея Республикаси Бош вазири Хан Мён Сук 2006 йил 24-26 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади. Ташриф асносида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг жорий йил 28-30 март кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида эришилган битим ва келишувларни амалга татбиқ этишга оид масалалар муҳокама қилинади. Тошкентдаги музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ибратли умр



СУРАТДА: «Шухрат» медали соҳиби Суён ота Назаров эвараси Доно билан. Муаллиф олган сурат.

Ғурур

ВАТАН ЁШЛАРГА ТАЯНАДИ

Халқимизнинг асрий орзуси — озодлик, ҳурият каби энг юксак қадриятга эришилганга 15 йил тўлди. Менга қолса, бу йилларнинг ҳар бирини асрларга қиёс қилган бўлар эдим.

Бир инсоннинг баркамоллик даражаси камида йигирма, йигирма беш йиллар билан ўлчанса, истиқлолга эришган она Ватанимизнинг бугунги қиёфаси юз йилларга татигулик. Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори бунинг ёрқин исботидир. Бу борада миллий онг, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбияланаётган ёшларнинг ўрни ҳақида ҳар қанча фахрларни сўзласак арзийди.

Ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратаётган Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан Кадрлар тайёрлаш, Соғлиқни сақлаш ва Мақтаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурлари келажакимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлиги бежиз эмас. Мустақиллик йилларида халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган улкан ислохотлар биз ўқитувчиларнинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Истиқлол шарофати билан берилган имконият, яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, ёшларимизни имон-эътиқодли, юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол бўлиб етиштирилиши йўлида астойдил хизмат қилиш она Ватан олдидаги муқаддас бурчимиздир. Зеро, озод Ватан тақдири, келажак Юртбошимиз айтганларидек, билаги, бели бақувват, ота-боболаримиз шону шарафининг давомчиси, манаман деганлар билан беллашувга тайёр, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши униб-ўсиб келаётган фарзандларимизга боғлиқ.

Фарида ИБРОХИМОВА,
Чиноз тумани
2-мактаб директори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
халқ таълими ходими.

Тошкентда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат савдо-саноат ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Ишбилармонлар кенгашининг Хитой Халқ Республикаси томони раиси Чжан Юйцзин раҳбарлигидаги делегация сафидан курилиш, электротехника ускуналари ишлаб чиқариш, машинасозлик, юк ташиш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва иқтисодийнинг қатор бошқа тармоқларида фаолият юритувчи йигирмадан ортқ йирк фирма ва компания вакиллари ўрин олган. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ўзаро ҳамкорлик кўплаб соҳаларни қамраб олган, бунда икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Жорий йил июнь ойида Шанхайда ўтган ШХТнинг юбилей саммитида ташкилот доирасида савдо-сотиқ, иқтисодиёт, молия, сармоя, фан-техника, энергетика, транспорт коммуникацияси, алоқа, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш мақсадида Ишбилармонлар кенгаши ташкил этилган эди. Бу тузилма Банкларо уюшма ва Тараққиёт жамғармаси билан бирга, тадбиркорларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Хитой сармоясини иштирокида тузилган 83 корхона фаолият кўрсатаётир. Улар асосан энгил

саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари соҳаларида иш юритаёпти. Юртимизда Хитойнинг 26 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. 2005 йилда ўзаро савдо ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 32,2 фоизга ошиб, 485,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу курсаткич 378,8 миллион доллардан ошди.

Тадбирда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий сармоядорлар учун қўлай шароит яратиш, томонларга тенг манфаат келтирадиган иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш кенг кўламада кўллаб-қувватланаётгани алоҳида қайд қилинди.

Бизнес-семинарда меҳмонлар мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан танишдилар. Музокаралар икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган кооперация биржасида давом эттирилди. Унда ҳамкорлик истиқболлари, ўзаро шериклик алоқаларини янада кенгайтириш, келажакда биргаликда қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хориж сармоясини жалб этиш имкониятларини кенгайтириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА муҳбири.

ЎН БЕШ ЁШГА ЁШАРДИМ

— Бу Мустақилликнинг кўкрагимизга теккан эркин шабадасидан, — дейди ангрелик 104 ёшли отахон, «Шухрат» медали соҳиби Суён Назаров

...Кўй-улоқни далага ҳайдаб, эрталабки но-нуштага уннайган Сафаргул телефон кўнгиросини эшитиб, айвонга жойлашди.

— Ассалому алайкум, бу Назаровлар хонадоними?

— Ваалайкум ассалом, худди шундай, — нотаниш кишининг овозидан сердак тортиган Сафаргул эндигина чорпога жойлашган қайночасига қараб қўйди.

— Уэр, мён Абдулламан, шаҳар хоқими. Ота уйда-милар?

— Ҳа, уйдлар. — Сафаргул шойлаганича телефонни отанинг олдига кўтариб келди.

— Авваламбор сизни хукуматимизнинг юксак мукофоти билан қутлай-

ман, — ота билан ҳола-аҳвол сўрашга мақсадга ўтди хоқим. — Шу ниятда хузурингизга борасак. Мукофотни вилоятимиз хоқими сизга шахсан ўзлари топширмоқчи-лар.

— Миннатдорман, ўғлим, — деди отахон тақлифга жавобан. — Дукентдаги «Висол» тўйхонасида эвараларга тўй бера-ялмиз. Уша ерга келаверинлар...

Хушхабарнинг қаноти бор, дейишди. Болаликдан қўлга чўпон таёғини олиб, бутун умр ферманинг молини боққан кекса отахоннинг Президентимиз томонидан республикамиз Мустақиллигининг 15 йиллиги шарафига юксак мукофот билан

тақдирланганидан бир зумда каттаю кичик хабар топди.

— Мустақиллик туғайли эришилаётган отуқларга, ўзгаришга гувоҳ бўлиб, шу дориломон кунларни орзу қилган, шунга интилган кечаги кун кўз ўнгимда гавдаланади, — дейди Суён ота. — Умрим Чотқол ва Қурама тоғларида мол боқиш билан ўтди. Оллоҳга шукр, ҳалол ишлаб, ҳалол яшадик, фарзандларни ҳам шу ақидада вояга етказдик.

Лекин ҳеч бир давр бугунги кунга етмайди. Байрам муносабати билан пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида ўтказилган тантанали тадбирни телеви-

зор орқали томоша қилар эканман, Юртбошимизнинг мамлакатимиз аҳолисига билдирган тилақлари юрагимни тўлқинлантириб юборди. Рости, белимга қувват, билагимга ғайрат бағишлагандай бўлди.

Қаран-га, мендек оддий чўпоннинг қариган чоғида шундай улғу мукофотга сазовор бўлиши катта бахт, ҳаётимда ўзига хос воқеа.

...Қишлоқнинг кўркам маскани — «Висол»да тўйни эрталабки ошдан бошлаб хайрли, истиқболли кунлар учун дуога қўл очган ота чошгоҳ бўлмасдан тадбир кун тартибига

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Юқоричирчик туманидаги 34-умумтаълим мактабда Ҳомийлар ва шифокорлар йилги муносабати билан вояга етмаган ёшлар орасида «Гийҳандлик ва ОИТС — аср вабоси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. У туман «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамда «Саломатлик» маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. 380 нафар юқори синф ўқувчилари иштирок этган тадбирда ОИТС, гийҳандлик, бўқоқ, камқонлик каби касалликларнинг зарарли оқибатлари, уларнинг олдини олиш хусусида сўз юритилди. **Ўз муҳбиримиз.**

ЭНГ ЧАҚҚОН «ТЕЗ ЁРДАМ»ЧИ

Зангиота туманидаги Марказий шифохона ҳудудида Ҳомийлар ва шифокорлар йилги муносабати билан «Энг яхши тез ёрдам шахобчаси» кўрик-танлови ўтказилди. Туман саломатлик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда шифохонага қарашли «Тез ёрдам» бўлими шахобчалари ходимлари иштирок этди. Барча шартларни муваффақиятли бажарган марказий шифохона аъзолари биринчи, Алишер Навоий номи шахобча иккинчи, «Назарбек» шахобчаси учинчи ўринни эгаллади. **Ибрат МАЪМУРЖОНОВ.**

САКСОН ЙИЛ ХИЗМАТДА

Мамлакатимиздаги тўнғич корхоналардан ҳисобланган «Бекободцемент» ОАЖнинг 80 йиллик шодёненис кўтаринки руҳда нишонланди. Наҳорга ёзилган байрам дастурхонага махалла оқсоқоллари, корхона фахрийлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди. Байрам тантаналари санъат усталари иштирокидаги катта концерт дастурига уланиб кетди. «Цементчилар» майдонида йиғилган 3000 дан зиёд бекободликлар тантаналарда мириқиб хордик чиқардилар. **Мўмин ИБОДОВ.**

ХАЙРЛИ МАҚСАД ТЕҒРАСИДА

Оққўрғон туманидаги қишлоқ хўжалиги қасб-хунар коллежида «Ўзбекистон ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» шiori остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбир туман ҳокимлиги ва «Фидокорлар» миллий демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар асосий эътиборни Ватанинг келажак фидокор ёшлар қўлидалиги, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш зарурлиги ҳамда ўсиб келаётган янги авлоднинг бир мақсад атрофида жипслаштириш давр тақозоси эканлигига қаратишди. **Феруза ТЎРАЕВА.**

Кўзги чақирув

ЙИГИТЛАР КЎРИКДАН ЎТМОҚДА

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлимига вилоят ҳокимлиги томонидан берилган УЗИ, ЭКГ, фиброскоп препаратлари ўрнатилди.

Бу бўлажак аскарларни тиббий кўриқдан ўтказишда кўпгина кулайликларни туғдирди, - деди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи, полковник Бахтиёр Ибрагимов. - Авваллари чақирилувчининг соғлиғи борасида бирор муаммо ёки иккинчи пайдо бўлса, шифоналарга йўлланма бериларди. Эндиликда бу ортиқча оворагарчиликларга чек қўйилди. Бу юмушлар Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги қарорининг ижросини таъминлаш, тиббий ва муқобил комиссияларнинг самарали ишлашини, чақирилувчиларнинг тиббий текширувдан сифати ва ҳолисона ўтказилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Хусан СУЛАЙМОНОВ, «Туркистон-пресс».

«КАМАЛАК»КА АЪЗО БЎЛИШДИ

Юқоричирчик туманидаги Янгибозор истироят боғи тантанали маросим мезбони бўлди.

Еш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, юксак маънавият руҳида тарбиялаш, иқтидорли ёшларни излаб топиш, улар қобилиятини намоён этишга кўмаклашиш мақсадида шу куни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилотига қабул қилиш тadbiri бўлиб ўтди. Шу куни 32 нафар ўқувчи «Камалак» сафига қўшилди. Уларга ташкилотлар томонидан совғалар тақдим этилди. Хуррият МҮМИНОВА.

ЎН БЕШ ЁШГА ЁШАРДИМ

киритилган улоқ чопиш мусобақасида ҳам ташкилотчи бўлди.

— Бир пайтлар отамга етadиган чавандоз йўқ эди, — дея хотирлайди хонадоннинг катта келини Сафаргул. — Ҳамиша улоқ у кишида бўларди. Яқин-яқинларгача от миниб, тоғадир айланардилар. Хозир ҳам маҳалла аҳли, дўст-биродарларнинг тўй-маъракаларидан қолмай, ҳаммасида қатнашадилар.

— Отамиз яхшигина овчи ҳам, — дейди отаниннг иккинчи ўғли, Улуғбек номли маҳалла оқсоқоли Жумакул Назаров. — Бу ҳар бир чўпоннинг семимли машғулоти. Лекин ҳамма ҳам чаптаст овчи бўлавермайди. Отамиз бу борада жуда маҳоратлилар.

Ота яшаётган хонадон эшиги тепасига кийик шохи қоқиб қўйилган. Бобонинг айтишича, бу хонадон учун хосиятли экан.

— Қолаверса, бу мениннг чўпон, овчи бўлганлигимни билдирувчи белги, — дейди Суюн ота. — Ов қилиш бу бутун парранда ва даррандаларни овлаш,

(Давоми. Боши 1-бетда).

уларга озор етказиш дегани эмас. Унинг ҳам ўзига яраша тартиб-қоида, таллаблари бор.

— Раҳматли қайнонам жуда меҳрибон, сўзамол аёл эдилар, — дея хотирлайди Сафаргул келин. — У киши отам билан бир фермада ишлаб, кўп йиллар сизир соғанлар. Турмуш қўрғанларидан кейин 15-16 йилдан сўнг икки ўғил кўришган. Уларнинг аҳилиги, сабр-қаноатлиги, имон-этиқодчилиги кўпларга ибрат.

— Мениннг камтарона меҳнатларимни эътиборга олган Юртбошимизга раҳмат, — дейди Суюн ота мамнун қиёфада. — Мукофотни ўз кўллари билан топширган, шу баҳона камтаргина тadbиримизда иштирок этиб, кўнглимизни кўтарган, ҳукуматимиз номидан илиқ сўзлар, тилаклар билдирган вилоят ҳокими ҳам барака топсин, омадини берсин.

Отага, босиб ўтган ибратли умр йўлига ҳамма

ҳавас қилади. Бир пиёла чой баҳона узок умр кўриш сирлари ҳақида гап кетганда отахон: «Кўнгли тоза, меҳнатга, яратувчиликка мойил бўлиши керак» дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, ота меҳнатни севди, улуглади ва шундан барака, бахт, эътибор топди.

— Чой ўрнига танга қувват берувчи фойдали тadbий гиёҳлардан дамлама ичман, — дейди отахон. — Шу билан бирга ҳар куни сахарда ва ухладан олдин албатта бир пиёла булоқ сувидан сипқораман. Бу кишининг руҳини тегиштиради, ақлини, онгини чарқайди.

Ота суҳбат жараёнида бизни невараси Моҳира келин бўлиб тушган хонадонга, эварасининг суннат тўйига тақдир қилди.

— Мана бу тойни эварам Шаҳзодга совға қилаяман, — боғ этагида яса-тиглиқ ёш қора тулпорга ишора қилди ота. — Уни совға-саломлар билан эварамнинг тўйига ўзим етаклаб бораман...

Мунаввара ИСОКУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Касаначилик



ХОМ АШЁСИ — ТОЛ НОВДАСИ

Оққўрғонлик Нуриддин Холжонов 2002 йилдан хусусий тadbиркорлик билан шугулланиб келаётган. Тadbиркорнинг асосий иш фаолияти тол новдасидан мебеллар ясади.

Хозирги кунда, айниқса, турли стол-стуллар, диван ҳамда кресло маҳсулотлари харидоригр бўлмоқда. Бундан таш-

қари, маҳалладаги ишсиз хотин-қизларни жалб этган ҳолда гулсаватлар тўкиш ҳам йўлга қўйилган.

СУРАТДА: тadbиркор Нуриддин Холжонов «Тоштўғон» қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Шоҳида Авазова билан келгусидаги режалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Ҳар бир инсон бахтли яшаш учун туғилади. Минг афсус, кимлардир ҳаётга қай даражада бахтсиз бўлиб келишадан эса, кўз юма олмаимиз.

Ҳаётда ногирон, майиб-мажруҳ бўлиб туғилишдан ортиқ бахтсизлик, фожиа бўлмаса керак. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ана шундай инсонлар қалбига маҳкам, дардига дармон бўлиш чора-тadbирлари кўрилатиб, Қибрай шаҳарчасининг сўлим боғларга туташ бир гўшасида жойлашган вилоят рухий-



ДАРДАГА ДАРМОН ОДАМЛАР

аномал гўдақлар уйда ногирон бўлиб дунёга келган болакайларга алоҳида ғам-хўрлик кўрсатилаётган. Соғлом ҳаёт учун курашаётган шифокору мураббийлар, улар қаторида саҳovatпеша хомийлар ҳаракати кенг қулоч ёймоқда.

— Бу ерда етти кунликдан етти ёшгача бўлган тугма мажруҳ, марказий нерв тизими шикастланган, ақдан ва ҳисмонан заиф, айни пайтда етим ва қаровсиз болалар тарбияланадилар, — дейди бош шифокор Гулнора Тўхтаназарова. — 100 ўринга мўлжалланган шифохонамизда ҳозир 86 нафар ногирон гўдақ тарбияланмоқда.

— Кечирасиз, ногирон бўлиб туғилишнинг сабаблари нимада? — сўраймиз опадан. — Ота-оналари борми, улар хабар олиб туришадими?

— Ножўя қадам босган, ичган, чеккан айрим ота-оналар, энг аввало, зурриёдиларига жабр қилишини ҳамма билади, — дейди шифокор. — Лекин бу ердаги болаларнинг ҳаммаси ҳам шунинг оқибати-

да ногирон бўлган дейиш, ноўрин. Касаллик тарихини суриштирсангиз, ногирон бўлиб туғилишнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Уларнинг ақсарияти хомилдорлик даврида шифокорнинг кўрсатмаларига амал қилмаслик, наслик хасталиклар, эндокрин касалликлар, қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатида туғилган болалар. Экологик муҳитнинг бузилиши, оилада тadbий маданият, етишмаслиги, хомилдорлик давридаги патология ҳам шундай оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. 60 дан ортиқ гўдақнинг ота-оналари бор. Айримлари вақти-вақти билан хабар олиб туришадди.

Уқув хоналари кундалик машғулотлар ўтказиш учун зарур шароитларга эга. Саҳovatпеша хомийлар кўмағида 6 та бўлим рангли расмли китоблар, радио, телевизор ва бошқа зарурий ашёлар билан тўлиқ таъминланди. Ҳатто, компьютер билан ишлаш йўлга қўйилган. Логопедик, деффектологик машғулотлар ва яқка тартибдаги иш

учун зарур қўлланмалар, бошқотирма ўйинчоқлар етарли. Халқро муруват ташкилоти томонидан берилган маҳсус тренажёрлар соғломлаштириш хонасида мунтазам ишламоқда. Боғда ўйин майдончалари, очик ҳавода сайр қилиш учун шарт-шароитлар яратилди.

Бу масканда даволаш ва тарбия ишлари юқори даражада бўлиши учун республика марказий клиник шифохоналари, Тошкент халқро клиникаси, Осиё Тараққиёти ва маданияти институти, «Нью-Холп» халқро муруват клиникаси, Сеул болалар госпитали шифокорлари билан тажриба алмашишдан ҳолда фаолият юритилмоқда. Бунинг натижасида 22 тугма ногирон бола оператив йўлар билан соғломлаштирилди. Уларнинг иккиламчи касаллигини 42 фоизга камайитришга эришилди. Тўшакка миҳланиб қолган 20 дан ортиқ гўдақ оёққа туриб кетишди. Не бахти, соғайиб қолган 4 боланиннг ота-оналари кўзларида қувонч ёшлари би-

лан фарзандларини уйлари оғиб кетдилар.

Умрини мана шундай ногирон болалар ҳаёти учун бахшида этган фидойилар ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтсанг арзийди. Ушбу маскан бош шифокори, иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Гулнора Тўхтаназарова билан бир қаторда шифокор Зумрад Худойберганаева, педагог Дилором Иноғомова, ҳамширалар Васила Исҳоқова ва Гулнора Абдураҳимова, анага Муҳайё Комилова, бош шифокорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Валентина Комарова сингари фидойилар уззу кун меҳрга ташна гўдақларга борлигини бахшида этишаётган. Уларнинг меҳр қўйишдан мудом баҳраманд норасидалар ҳаёт завқини, яшаш бахтини ҳар дам ҳис этиб улгаймоқдалар.

Азиза УСМОНОВА, ЎзДЖТУ халқро журналистика факултети талабаси. СУРАТДА: вилоят рухий-аномал гўдақлар уйидан лавҳа.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР! Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

НАВҚИРОН ВА НУФУЗЛИ Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки иш бошлаганига 15 йил тўлди. 1991 йил 7 сентябрда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чеккан эди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканиннг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий

жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида «Жамият ва Мен» танловини эълон қилади.

Танлов йўналишлари Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади: - энг яхши таҳлилий мақола; - энг ўткир танқидий мақола; - энг яхши журналист текшируви; - интернетдаги энг яхши мақола; - энг муфассал шарҳ; - энг яхши фоторепортаж; - йил дебюти (талаба-журналистлар учун). Танлов шартлари Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий-маънавий соҳалардаги ислохотларнинг боришини, тadbий, таълим, кадрлар тайёрлаш, тadbиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади. Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, икки нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолият тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларидан танлов учун маҳсус ташкил этилган «Жамият ва Мен» танловига» ружидан танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт. Танлов голиблари «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» байрами арафасида аниқланиб тақдирланадилар. Танловни ўтказиш тартиби Танловга тақдим этилган ижодий ишлар таникли журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, жамғармалар, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли хайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Голибларни аниқлашда мавзунинг дол-

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»: ЭКСПОРТГА МЕТАЛЛ, ИМПОРТГА ТЕХНОЛОГИЯ Бугунги кунда мамлакатимиз металлургия саноатининг раванқини «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларисиз тасаввур этиш қийин. Комбинат маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Буни корхона маҳсулотларига хорижий истеъмолчилар қизиқиши кучайиб бораётганидан, яъни экспорт салоҳиятининг кенгаётганидан ҳам билса бўлади.

Хозирги вақтда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Марказий Осиё ва Кавказ орти давлатлари ўртасида йирик молиявий институт ҳисобланади. Шунингдек, у «The Banker» нашриётининг маълумотларига кўра, жаҳоннинг 1000 та йирик банки рейтингидан 562 ўринни эгаллаб турибди. Мазкур банк капитали Ўзбекистон банк тизими капитал ҳажмининг ярмидан кўпрогини, яъни республика банк активларининг 60 фоизини ташкил этади. Фақатгина шу йилнинг ўзида банк хизматлари кўрсатиладиган миқдорлар сони 48 фоизга кўпайиб, улар 1 069 190 нафарга етди. Хозирги кунда Миллий банк томонидан 3,4 миллиард доллар ҳажмидаги 97 та инвестиция лойиҳалари бўйича қайта молиялаштирилган кредитларга хизмат кўрсатилади. У 600 тадан зиёд банкларни ўз ичига олган катта корпоративлик тизимига эга. 2006 йилда Миллий банк чет эл кредит ва молиявий институтлари билан умумий миқдори 80 миллион долларга тенг бўлган қатор икки томонлама шартномаларни имзолади. Шунингдек, мазкур банк ШХТнинг аззоси ҳисобланади. Бундан ташқари, Миллий банк билан Россиянинг 58 та банки ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. «Туркистон-пресс».

ФАОЛИЯТ УЧУН ПОЙДЕВОР

«Ҳамкорбанк»нинг Олмалик шаҳар бўлими 2006 йил бошидан 26 та фермер хўжалиги, хусусий тадбиркор ва яққа тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар учун 236 миллион сўм кредит ажратди. Чунончи, Ҳангарон туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Шоштепа-Шамс» фермер хўжалиги раиси Тоҳир Сайрамов банкдан олган 59 миллион сўм кредит ҳисобидан 1100 та кўй харид қилди ва уларни бўрдоқига боқмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, фермер хўжалигига берилган ушбу кредит имтиёзли бўлиб, асосий тўловлар бир йилдан кейин бошланади.

«Нур ота» фермер хўжалиги ерлари эса, яйловлардан иборат. Бунга ҳисобга олган фермер Тамара Мансурова «Ҳамкорбанк»дан кредит олиш учун аризаси ва бизнес режасини тақдим этди. У 260 та кўй сотиб олиб, қўралар куриш ва қўйларни боқиб, бозорларни гўшт билан таъминлашни режалаштирган. Банк фермерга 25 миллион сўм кредит берди. Ҳозирги вақтда фермер хўжалиги қурилиш ишлари режада белгиланган суръатларда бораётганлиги ҳақида банкка ойма-ой ҳисобот тақдим этапти.

Маълумки, Олмалик сановатчилар шаҳри. Бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг асосий қисми корхоналарда меҳнат қилади. Кейинги йилларда шаҳарда манший хизмат кўрсатаётган тадбиркорлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.

Узи қизиққан соҳада фаолият бошлаган «Жамолдин» хусусий фирмаси раҳбари Жамолдин Абдуллаев «Ҳамкорбанк»ка мурожаат этди. Унда қурилиш ашёлари сотиб олиш билан боғлиқ хужжатлар бўлгани учун банк томонидан 10 миллион сўм кредит берилди. Ҳозирги кунда фирманинг гўзаллик саломи, тикувчилик цехида охириги пардозлаш ишлари бормоқда.


Яққа тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган Дилафруз Саробоева тушаётган бюртмалар ҳамда мижозларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўз фаолиятини кенгайтириш, янги ускуналар сотиб олиш учун ёрдам сўраб, шаҳардаги савдо-саноат палатасига мурожаат этди. Палата мутахассислари ҳамма хужжатларни тайёрлашда ёрдам берди ва тикувчилик анжомлари сотиб олиш учун 650 минг сўм кредит ажратди.

Темура ХАЙДАРОВ.

Хорманг!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Улар орасида Бекобод туманидаги «Бекобод машина-трактор парки» акциядорлик жамиятининг оператори Эргашали Тўхтамов ҳам бор.

У МТПда 1997 йилдан буён самарали фаолият юритиб келаётир. Салкам 10 йилдан бери ўз ишининг сир-асрорларини пухта эгаллаб, узлуксиз тажриба орттириб, маҳоратини тоблаётган малакали мутахассис бугун



МЕҲНАТ ҚИЛИБ ЧАРЧАМАЙДИ

жамоадаги кўплаб ёшларга устозлик қилиш даражасига етди. Улуғбек, Баҳром, Файрат, Худойберди ҳамда Холмурод каби шоғирдлари унинг ишончини оқлашга муваффақ бўлишмоқда.

— Инсон учун ҳақиқий ҳазина — меҳнат деб ўйлайман, — дейди «Шуҳрат» медалли совриндори Эргашали Тўхтамов. — Ана шу хазинанинг

қадрини билганлигим боис, ўзим орзу қилган касбнинг этгадидан тўтишим, тажриба орттиришим осон кечди. Мен ҳаётимни катта жамоа билан боғлаб, янгилашганимга кўп бора иқдор бўлганман.

Ўтган 2005 йилда Э. Тўхтамовнинг шахсан ўзи ўзбекистоннинг 1567 гектар ерини ҳайдаб берди. Ҳозирги кун-

гача 600 гектар майдонни шудгорлади. Айни кунларда ҳам уни йўқлаб борсангиз, албатта даладан топасиз. У ўзининг қадрдон тракторида деҳқонлар оғирини енгил қилишдан чарчамайди.

Хуршида НАЗАРОВА, СУРАТДА: Эргашали Тўхтамов ишга отланди. Даврон АХМАД олган сурат.

ТУРКИЯЛИКЛАР ТАКЛИФИ

Ҳар йили Туркияда «Харидорлар ҳайати» деб номланган ҳалқаро кўرғазма ўтказилади. Туркиялик ишбилармонлар шу йил 21-25 ноябрда мазкур кўрғазма олдидан бўладиган «Савдо гуруҳи» номли тадбирга ўзбекистонлик тадбиркорларни таклиф этишди.

Халқаро кўрғазмани ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад эликдан зиёд мамлакатдан келадиган тадбиркорларга ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун кулай шароит яратиш беришдан иборатдир.

Шунингдек, ноябрь ойининг охирида Туркия ташқи савдо департаменти ва «Орта Анadolу» экспортчилар иттифоқи, мустақил сановатчилар, тадбиркорлар уюшмаси, яна бир неча нуфузли ташкилотлар ҳамкорлигида халқаро кўрғазма ўтказилади.

Истамбулда ўтадиган анжуманда катнашиш истигада бўлган тадбиркорлар Туркиянинг ўзбекистондаги элчихонасига мурожаат қила бошлади.

КОМПАНИЯЛАР ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК

«Марказий Осиёда лизинг» деб номланган ҳалқаро анжуманда Ўзбекистон лизинг бериувчилар уюшмаси билан Туркиянинг «Dinamo training and consultancy services Ltd Co» компанияси, Покистоннинг «Orix leasing Pakistan Ltd» компанияси ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги келишув имзоланди.

Иш ҳужжатларида мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш, лизинг қонунчилиги ҳақида тўпланган билим ва тажрибалар хусусида ахборот алмашиш, ҳамкорликда анжуман ҳамда семинарлар ўтказиш қайд этилган.

Келишувдан асосий мақсад лизинг саннатини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш, компаниялар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани йўлга қўйишдир.

«Туркистон-пресс».

ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОҒАЗАДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартриш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳада олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш борасида вилоятда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат пала-

тасининг вилоят бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, айни пайтда мазкур палатанинг аъзолари сони бир ярим мингдан ошган.

Жинойт жазосиз қолмайди

Иқтисодиётни мустақамлашда банклар ўзига хос ўринга эга. Уларнинг бутун фаолияти иқтисодиётда бозор ислохотларини чуқурлаштиришга йўналтирилган. Давлатиёз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашда бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилуш органлари қатори банк тизимининг ҳам нуфузи ортиб бораётган.

Банклар ўз олдига қўйилган мақсадга эришиш йўлида бошқа идоралар билан ҳамкорликда иш-юртатида. Назорат идоралари эса ўзларнинг қонуний ваколатлари доирасида олиб борган амалий ишлари орқали банкка нақд пул тушумини қўйиб туришга кўмаклашса, ўз навбатида банк ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ахборот алмашишнинг йўлга қўйиб, мижозларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйишда бевосита катнашади.

Президентимизнинг «Молия — иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳам банк идораларининг бошқа назорат қилувчи идоралар, жумладан, Республика Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жинойи даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти органлари билан ҳамкорлигининг янада кенгайтиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш борасида бошқарма билан унинг кўйи тизимлари томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, иш ва яшаш жойларида, тадбиркорлар орасида кенг қамровли тарғибот тадбирлари олиб боришмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни бериш тўғрисида»ги қарори эса, бизнинг банклар билан бу борадаги фаолиятимизни мувофиқлаштиришга имконият яратди. Шу билан биргаликда жинойи йўллар билан орттирилган мол-мулк манбаларини фожатлиқнинг йўл-йўриқлари, воситалари ва тамойилла-

рига янада аниқлик киритди.

Вилоятимизда давлатимиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш ва ҳокимият ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва коррупцияни фожатлиқ, солиқдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш, ноқонуний нақд пул айланимларининг олдини олиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Чунончи, 2005 йилда банклар билан боғлиқ 7 та жиноят иши қўзғатилиб, қонуний чоралар қўрилган бўлса, шу йилнинг ўтган даврида 6 та жинойи

борлигини билсаларда, 182,9 миллион сўмлик бюджетга ўтказилиш лозим бўлган пул маблағларини бошқа ташкилотларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб, давлат ва жамоат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар. Ҳозирги кунда ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга кўмак бериш ва молиявий рағбатлантириш банк ва молия муассасаларининг асосий вазифалари билан бирилади. Лекин берилган бу иқтисодий кўмакдан фойдаланиб, кредитни банкка ўз вақтида қайтар-

41 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш учун шартнома тузишган. Текшириш куни ҳолатига корхонанинг халқ таълими бўлими олдидаги муддати ўтган кредиторлик қарзи 5,2 миллион сўм бўлган. Халқ таълими бўлими ҳам ундириш чораларини кўрмаганлиги боис, 5,2 миллион сўмлик зарар етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам корхона раҳбари ва банкнинг масъул мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, ҳозир тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Бугунги кунда банкларда нақд пул тушумининг камайиб кетганлиги жиддий

Ободончилик

ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИНИ ИЗЛАБ

Олмаликдаги «Сувоқава» ишлаб чиқариш шўба корхонаси қошида насосларни таъмирлашга ихтисослашган ёрдамчи цех ишга тушгач, сўнгги бир йил ичида 5 миллион сўмга яқин маблағни тежашга эришилди.

Муқаддам корхона тасарруфидаги бундай ускуналар Тошкентда ва Олмалик кон-металлургия комбинатида буюртма асосида таъмирланиб, хар бир насос учун 1,5 миллион сўм сарфланади. Ички имкониятлар асосида ташкил этилган ёрдамчи цех ҳаракатларнинг кескин камайишига, иш сифати ва самарадорлигининг ошишига имкон яратди.

— Ҳозир хар бир насосни таъмирлаш учун ўртача 750-800 минг сўм харажат бўлаётди, — дейди корхона директори Муҳиддин Маҳкамов. — Бу йил белгиланган 18 та ўрнига 32 та насос сифатли таъмирдан чиқарилди. Натижада уларни қиш мавсумига тайёрлаш ишлари барвақт тугалланди.

Шунингдек, сув тармоқларини таъмирлаш, янгилаш бўйича йил режасига киритилган вазифалар ҳам муваффақиятли адо этилмоқда. Икки километр масофадаги сув қувурлари капитал таъмирланди. Жумладан, шаҳарнинг Мустақиллик кўчаси, 5/1 дахаси ҳамда 11-умумтаълим мактаби ҳудудидан ўтган сув қувурлари сифатли соҳиланди. Умумий қилиб айтадиганда, 42 миллион 950 минг сўмлик иш бажарилди.


Бундан ташқари, 6 ки-

лометрдан зиёд масофадаги сув қувурлари жорий таъмирдан чиқарилди. Амир Темур, Шароф Рашидов кўчаларидаги қувурлар эса юз фоиз таъмирланди.

Дарҳақиқат, бугунга келиб олмаликликларнинг тоза ичимлик суви бўлган эҳтиёжи ана шундай ҳаракатлар эвазига деярли 98 фоиз қондирилди. Утган йили мустақилликнинг 14 йиллиги байрами қишнинг юқори қисмини ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш мақсадида янги насос станцияси фойдаланишга топширилган эди. Айни пайтда станция қошида қўшимча сув қудуғи қазилди. У шаҳарнинг қиш қисмида жойлашган 4 ва 5/2 даҳалари аҳолисини республикамиз мустақиллигининг 15 йиллик байрами кунларида тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминлай бошлади.

Бугунги кунда шаҳарда аҳоли орасида 34000 киши, юридик шахслардан 463 таси ичимлик суви фойдаланувчи абонентлар ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, корхона аҳоли ва юридик шахсларга қўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилишига эришилмоқда.

— Бунда маҳалла қўми-



талари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ёрдами катта бўлаётди, — дейди М. Маҳкамов. — Улар ўз қўчалари билан аҳолидан йиққан тўлов пулининг 15 фоизини корхонамиз билан тузилган шартномага асосан ўз ҳисобларига қўлади.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан корхона ўз оталигига олган 1-умумтаълим мактабидаги ичимлик суви қувурларини тўлиқ таъмирлаб берди. Шунингдек, мактаб биносининг томи қайта ёпилди. Манзиллиқ дастур асосида реконструкция қилинган 6-умумтаълим мактабига 200 метрдан зиёд, 23-бозор боғчасига эса 50 метр сув қувури тортилди.

Шаҳардан ўн километр узоқликда жойлашган Сартамғали сув ҳавзасидан олинаётган оби ҳаёт 6 та сув насоси орқали олмаликликларга етказиб берилаётди. Корхона томонидан амалга оширилган бугунги ҳаракатлар эса шаҳарда сув таъминотининг бундан-да яшиланишидан далолатдир.

Мунаввара РАЖАББОН ҚИЗИ.

Дил изҳори

ЯХШИ ГАПНИНГ ГАДОСИМАН

Ўзим ногиронман. Мендек қалби кемтикларга эса озгина эътибор ва ширин сўз бўлса кифоя.

Вилоят почтаси ҳамда туман ҳокимлиги мутаасаддилари Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳолимдан, кам-кўстимдан хабар олиб туришибди. Бундан ташқари ҳали у,

ҳали бу ташкилотдан меҳрибон кишилар келиб туришди. Шундай пайтда мен ҳам жамиятнинг бир бўлаги эканлигимдан, кимгадир кераклигимдан қалбим таскин топади.

Зиёда ЖОНИҚУЛОВА, Юқоричирчиқ тумани.

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПДИ

Мустақиллик йилларида Қўйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон бўлими» хўжалиги ҳудудида ҳам қишлоқ шифокорлик пункти очилган эди. Аммо, бу ерда бир қатор муаммолар ўз ечимини қўтиб ётарди.

Худуддаги хусусий тадбиркор Вартан Арутюн Хомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан шу муаммоларни бартараф этди. Унинг ташаббуси ва ҳомийлигида шифохона жиҳозлари янгили билан алмашти-

рилди. Таъмирталаб жойлар бир қўйдан кечирилди. Бир неча йиллардан буён шифохонада сув муаммоси хал бўлмаганди. Шу ернинг ўзида алоҳида сув насоси ўрнатилди.

Бундан ташқари Вартан Арутюнов оилаларга ҳам ўзининг беғараз кўмагини кўрсатиб келади. Шунинг учун туманда у кишини саҳий тадбиркор сифатида яхши билишади.

Саиджарим СОҲИБОВ,

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ИСТИРОҲАТ БОҒИ МАДАДГА МУҲТОЖ»

Газетамизнинг 2006 йил 19 июль сонида юқоридаги сарлаҳа остида ёълон қилинган мақолада Янгийўл шаҳридаги «Алишер Навоий гулшани» номли маданият ва истироҳат боғининг бугунги ачинарли аҳоли қаламга олинган эди.

Шундан кейин тегишли ташкилотлардан ушбу мақола юзасидан жавоб мактублари кела бошлади. Жумладан, Янгийўл шаҳар ҳокими ўринбосари К. Тошматов эмбоси билан йўлланган мактубда шундай дейилди: «Шаҳардаги «Алишер Навоий гулшани» истироҳат боғи 1936 йилда ташкил этилган бўлиб, у 2002 йилда ҳокимлик ташаббуси ва корхона ташкилотларнинг ҳомийлигида қайта реконструкция қилинди, ободонлаштирилди, кўкаламзорлаштирилди. Лекин охириги йилларда истироҳат боғи раҳбарла-

ричинг масъулиятсизлиги натижасида у назоратсиз қолди. 2006 йил 3 июнь кунги боғ ҳудудига хусусий чойхона ертўласида ёнғин содир бўлиб, ён-атрофдаги даракларга катта зарар етказди. Шундан кейин боғ янада ачинарли ҳолга келди, ҳовуз ичлари чиқинди-ю, шох-шаббаларга тўлиб кетди.

Мақолада кўрсатилган камчилик ва муаммолар атрофича ўрганилди, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Айни кунда боғда кенг қамровли ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хусусан, мавжуд аттракционлар таъмирланди. Ҳовузни аввалги ҳолига қайтартиш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Худуддаги чойхона фаолиятини қайта тиклаш мақсадида мутасадди раҳбарларга аниқ вазифалар юкланди».



БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бугунги кунда банклар фаолиятида аниқланаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари «сохта» тадбиркорлигининг жинойи қилмишларига банк ходимларининг «соябон» бўлаётгани ёки шериклик қилаётганлигини кўрсатмоқда

ҳолат аниқланди. Банк идораларининг ходимлари ўзларининг ҳаракатлари қонунга зид эканлигини билсаларда, муайян «хизмат ҳақи» эвазига жинойи йўл билан орттирилган даромаднинг банк орқали «халоллаш» каби жиноятларга аралашиб қолаётганлиги ачинарли ҳолатдир. Хусусан, бошқармаимизнинг Бўстонлик туман бўлими ходимлари томонидан «Саноатқурилишбанк»нинг Фазалкент филиалида республика Адлия вазирлигининг 1999 йил 30 январдаги «Ҳужалиқ юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб-варақларида пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома талабларининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилди. Банкининг доимий мижози бўлган «Энергоқурилишустрия» ишлаб чиқариш корхонасига тегишли ҳисоб рақами юзасидан айрим ҳужжатлар ўрганилганда, келиб тушган 218 миллион 771-миг 726 сўм пул йўриқнома асосида мунотосиб равишда тақсимланмаганлиги аниқланди. Мазкур банк бошқарувчиси А. Тишев ва бош ҳисобчи Н. Корольковалар корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари қарзи

маётган тадбиркорлар ҳам, кредитни ундиришга панжа орасидан қараётган банк ходимлари ҳам уқрамоқда. Натижада содир бўлган бир жиноят бошқа бир жиноятни етказиб келмоқда.

Ўртачирчиқ туманидаги «Хамдам» ишлаб чиқариш корхонасида солиқ идоралари билан ҳамкорликда текшириш ўтказилди. Корхона «Пахтабанк»нинг Тўйтепа филиалидан бир йил мuddатда кредит шартномасига асосан 15 миллион сўм маблағ олиб, уни ўз вақтида қайтармаганлиги аниқланди. Корхонага кредит бериш тартиби ўрганилганда эса, банк корхонанинг фаолиятини тўлиқ ўрганиб қайтарилиши кафолатланмасдан, гаров шартномасини тузмасдан кредит бериб юборганлиги маълум бўлди. Энг ачинарлиси, кредитнинг тўлов мuddати ўтиб кетган бўлсада, банк томонидан уни ундириш чоралари қўрилмаган.

Текширишда, шунингдек, корхона фаолияти тўхтатилиб, унинг банкдаги ҳисоб рақами ёпилган бўлсада, Ўртачирчиқ туман халқ таълими бўлими ходимлари корхона раҳбари О. Туронов билан олдиндан жинойи тил бириктириб,

република Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жинойи даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси.

Ўйлаб ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР

БИР ЖУФТ ЁНФОҚ

— Бундай мазали мева қаерда ўсади?

Ғофиржон ўйланиб қолди. Негаки, бу саволнинг ўзи уни дол қолдирганди. Кўча бўйларини боғларни тўлдириб ўсувчи оғдий шу ёнғоқнинг нималигини бу кампир наҳотки билмаса? Ёши ҳам етмиш беш-саксонга бориб қолган-ов.

— Ўзбекистонда, — деб қўйди йигит салмоқлини.

У ойиси тикиб, тўлдириб берган халтачадан яна уч-тўртта ёнғоқ олиб чакди. Кампир бир бурда патир билан ҳовучидаги ёнғоқни базур олди.

Халиги савол туфайли хаёли бўлинган йигит яна ўйга толди. У илмий иши бўйича тайёрлаган материаллар билан домлани таништиргани эрталабки рейс билан Москвага келди. Аэропортдан тўғри институтга борди. Қабулхонада таниш котиба:

— Иван Савельевич эрта билан Магаданга учиб кетди, — деди. — Хафта-ун кун бўлмайди. Сизга мана шу рўйхатларни қолдири.

Хар галгидек профессор бир қучоқ китобларни «ишлаб чиқишни» топшириб кетганди. Начора, аспирантлар ётоқхонасига жойлашади-да, мутолаага киришади.

Шундай хаёллар билан шаҳар кўчаларини биров айланиб, Пушкин майдонида кекса бир кампир каптарлар ўйинини кузатиб ўтирган чекка скамейкалардан бирига чўкди.

— Аспирантурани битиряпсанми, ўғлим? — сўради кампир. — Кел, ҳамкасб, танишиб олайлик. Мени Клавдия Михайловна дейишади. Петроваман. Пушкин билан «хайрлашиб» ўтирган

эдим. Ўғлим қўймай жанубга олиб кетаяпти. Эрта билан учамиз.

Ғофир Тошкентдан шу тонг учиб келганини, профессор шошлинч сафарга жўнайтиб, котибаси орқали икки-уч хафталик «юк» қолдирганини гапириб берди. Клавдия Михайловна қулиб қўйди:

— Бекор юрмай, бекор ишласин, деганда домланг.

— Нега бекор ишланган экан, — эътироз билдирди Ғофир. — Ҳаммаси илмий ишимга тааллуқли асарлар.

— Шунга айтаман-да. Қанча ишласангиз, домла учун шунча оз. Ҳамиша шунақа ўйлаймиз. Ўзимдан қиёс.

Улар узок суҳбатлашиб ўтиришди. Клавдия Михайловна мусикашунос, Москва консерваториясида ўқитувчи экан. Ғофир эрталоқ ётоқхонага бориб жойлашишни ўйлаб, таратдуллана бошлади. Буни сезиб кампир ҳам кўзгалди.

— Кани, йигит, кетдик. Портфелини қўлига олаётган Ғофир Клавдия Михайловнага «ял» этиб қаради.

— Нега хайрон бўласан, ўғлим борамиз. Мехмон бўласан. Ўғлим ҳам Норильскдан келганига икки кун бўлди. Суҳбатлашасиз. Ётоқхонанг кочиб кетмас.

Шундай деди-да, кампир майдон четига келиб тўхтаган «Волга»га қараб юрди.

— Танишинглар, — шундай деб, рўлда ўтирган йигитга имо қилди. — Бу — набирам Костя. Бу аканг — Ғофиржон, Ўзбекистондан экан.

Ғофир йигит билан сўрашди. Унинг таратдулланаётганини кўриб кампир:

— Ўтир, ўтир, ўғлим, — деди. Ғофир шофёр йигит ёнига ботинқирамай ўтирди.

МЕҲМОННАВОЗЛИК

— Мана, физика институтининг кутубхонаси, — деди Клавдия Михайловна хайдовчи тезликни пасайтириб, машинани четга ола бошлаганида. — Биз эса хов ана у ўнг томондаги учинчи уйда турамыз.

Квартира эшигини қирқ беш-эшлик ёшлардаги киши очди.

— Ойи, театрга билет олиб келдим, — деди у кампирнинг қўлидан ёмғирпўшини ола туриб.

— Оббо, кечқурун гаплашиб ўтирасизлар деб меҳмон бошлаб келаятгандим. Таниш, бу йигит Ғофиржон. Ўзбекистондан.

— Семён Макарович, — ёмғирпўшини йўладка илаётган киши Ғофир томонга икки қадам ташлади. — Кани, кани, бу ёкка ўтиринг, Ғофиржон.

Туфлисини ечиб, юмшоқ ширпакини оёғига илаётган Ғофир уй эгасига ялт этиб қаради. Бу қарашнинг маъносини Семён Макарович илғади:

— Ахир, сизларда шундай қарашади-ку. Мен Тошкент то-

монларда кўп бўлганман. Кани, ичкарига кириб, хали кўп тиллашамиз!

Костя елиб-югуриб дастурхон ёзди. Чой дамлаб келди. Бу орада Ғофир хонадон соҳибаси билан суҳбатлашиб ўтирди. Уларни дастурхон атрофига ўтказиб, қаёққадир кетган Семён Макарович тезда қайтиб келди.

— Костя, мана буларни ол, — йўлақда унинг овози эшитилди. — Артиб-тозалаб, столга қўй.

Кўп ўтмай Костя ишчаларда турли ичимликлар кўтариб кирди. Идишлар ўртасига қўйилган арман коньяги Ғофирнинг эътиборидан четда қолмади. У бирикки бор ётоқхонага барвақтроқ бориши лозимлигига ишора қилган эди, охири Клавдия Михайловна бамайлихотир:

— Кўп ташвиш чекма, ўғлим, — деди эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. — Эрталабки самолёт билан биз Сочига учиб кетамиз. Мана, хайхотдай уй, шу ерда яшаб, китобларингни титқилайверсан.

ҲАЙҲОТДАЙ УЙДА ЁЛФИЗ

Кечки пайт Ғофиржон кутубхонадан бир даста китоб кўтариб қайтди. Эшикни онаётганида ичкари хонадан устма-уст жиринглаётган телефон товуши эшитилди. Йигит илдам бориб дастакни кўтарди. Сочидан Семён Макарович кўнгирак қилаётган экан.

— Уйга ўт тушириб улгурмадингми хали, Ғофиржон?

Дабдурустан берилган бу савол йигитни эсанкиратиб қўйди. Озига бирор жўяли гап ҳам келмай, таратдулланди. Унинг ахволи-руҳинини сезиб тургандек, у ёқда Семён Макарович хандон ташлаб кула бошлади. Кула-кула, охири:

— Ҳазил, ҳазил, — деди. — Ҳазили билмаган кал-Фозил... — Яхши этиб бордингларми? — ниҳоят Ғофирнинг тили айланди.

— Жойлашиб ҳам, денгизга бир кур шўнғиб ҳам улгурдик. — Мен ҳам институтдаги ишларимни бошладим. Ҳозир кутубхонадан келдим.

— Бир қучоқ китоб олиб келгандирсан?

— Шундай, — Ғофир ўйланиб турди-да, қалам-қоғоз олди. — Дарвоқе, қайси телефондасиз,

айтиб юбормайсизми?

— Йўк, Ғофиржон, — деди Семён Макарович. — Яхсиси — айтмай. Ишхонамдан сўрайвериб, тезовта қилишади. Ўзим ҳар оқшом кўнгирак қилиб тураман.

— Яхши — деди Ғофир ва дастакни жойига қўяр экан, Сочи сафари олдидан бўлиб ўтган суҳбатни эслади.

Уша кеча алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Семён Макарович Тошкентда кўп ишлаган, охириги йиллари цемент ишлаб чиқарувчи қўшма корхонада қувватларни янгилаш билан шугулланган экан.

— Тошкентдан кўп-кўп қарздорман, — деди тун яримлашганида жамадонни даҳлизга олиб чикиб қўяётган уй соҳибни. — Тузингизни кўп ичганман. Биз сахармардонда жўнаймиз. Сен бу ерда бемалол яша. Домлангни кут. Ишларинг биттунича, биз ҳам дам олишдан қайтиб қоламиз.

Ғофир китобларни айвондаги кичик столга ташлаб, ошхонага ўтди. Гази ёқиб, музлаткидаги овқатни исита бошлади...

Жўрабек МУРДОВ.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт



ШОҲСУПАДАН ЖОЙ ЭГАЛЛАНМАДИ

«Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Қизгин ва муросасиз кечган бахсларда республикамизнинг барча вилоятларидан таширф буюрган 1200 нафар ёш каратечилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Тош-

кент шаҳри иккинчи, Андижон вилояти жамоаси учинчи ўринни банд этди. Вилоятимиз жамоасига эса тўртинчи ўрин насиб этди.

Отабек ЭЛТОВ. СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Э Ё Л О Н !

Тошкент вилояти аҳолиси диққатига!

Почта алоқаси бўлимлари ва почтальонлар томонидан 2006 йил август ойи пенсия ва нафақа пуллари жорий йилнинг август ойида пенсионерларга тўлиқ отказилган.

Жорий йилнинг август ойи пенсия ва нафақа пуллари отказилиши таъминланмаган ҳолатлар бўлса 50-04-43, 50-93-94 ва 50-03-71 рақамли телефонлар орқали «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали маъмурияти.

Янги китоблар

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ҚИССАСИ

Гўзал ва мустақил юртимиз ҳар бир гўшасининг асрларга татигулик тарихи бор. Уларда аждодларимиз, ота-боболарнинг ҳаёт йўли, азалий удумлар, асрлар синовига дош бериб келган миллий қадриятлар акс этиб туради.

Шу боис, мустақиллик йилларида ўлкамиз, унинг қадим, гўзал шаҳарлари, қишлоқлари, фидойи, мард, меҳнаткаш ва ҳалол инсонлари ҳақида қатор асарлар яратилди. Зеро, Ўртобшмиз таъкидлаганидек: «Тарихсиз — келажак бўлмас».

Яқинда Тошкент туманидаги Қирққариқ қишлоғининг тарихи ва унинг фидойи инсонлари тўғрисида муъжазгина асар яратилди.

«Қирққариқ ва қирққариқликлар» китоби архив маълумотлари, замон чигирини ўз бошидан ўтказган кекса кишиларнинг хотиралари асосида юзага келган.

Қишлоқнинг тарихи узок, XV асрда бу ерлар Хожа Аҳрорнинг вақф ерлари бўлган. Асарда деҳқончиликнинг шаклланиши, Чор Россияси даврида қишлоқ ҳаёти, 1917 йилдан кейинги даврда ер ва мулкларнинг миллийлаштирилиши, 30-йиллардаги коллективлаштириш, очарчилик, қатагонлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Коллективлаштириш даврида, каналлар қазилди, фронт ортида, урушдан кейинги тикланиш даврида қишлоқ одамларининг фидокорона меҳнатлари, иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қирққариқлик жасур ўғлонлар, эсон-омон қайтган фахрийларнинг меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Шунингдек, унда «Келес» — кейинчалик Абдурахмон номи хўжалигининг мева-сабзавот, гўшт-сут этиштиришдаги муваффақиятлари, хўжалик раҳбарлари, фаоллари, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, худудда маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт тизимининг ривожланиши, қишлоқ аҳолисининг ҳозирги кундаги фаровон ҳаёти батафсил баён қилинган.

Суннатилла Толипов ва Акбар Бахромов ҳаммуаллифлигида ёзилган бу рисола Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти томонидан чоп этилган. Юсуф ЖУМАНИЕЗОВ.

Бекажон

1,5 кун давомида муздек сувда сақланган бринзанинг таъми янада хушхўр бўлади.

Балиққа туз ишқаласангиз, тозалаш жараёнида сирпаниб, қўлдан чиқиб кетмайди.

Товани аввал ўсимлик ёғи билан артиб, сўнгра сариеғ солсангиз, таом тайёрланиш жараёнида сариеғ куйиб кетмайди.

2 дақиқа мобайнида иссиқ сувга солинган олманинг пўсти осонликча арчиллади.

Компот ва пирог учун арчилган олмалар қорайиб кетмаслиги учун, уни номигагина туз солинган, муздек сувда ушлаб туриш тавсия этилади.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 13 сентябрь кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Фарбдан сечкундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёгингарчилик бўлмайди. Фарбдан сечкундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-16, кундузи 26-31 даража иссиқ бўлади.

Тоғли худудларда ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Фарбдан сечкундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Шундан кейин

ҲАЙДОВЧИГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Хитойдаги FAW автомобиллар ишлаб чиқариш корхонаси хайдовчисиз ҳаракатлана оладиган Hongqi HQ 3 серхашам автоуловини яратди.

Мазкур лимузин тезлигини соатига 150 километргача ошириши ҳамда икки ёнидаги камералар ёрдамида йўлни кузатиши мумкин.

АВИАБОМБА ЎТИН ЭМАС

Кримда авиабомбани аралашга уринган учкичи ҳалок бўлди.

Мухторият факултетада вазиятлар вазирлигидан хабар қилишларича, портлаш Ленин районидagi Кирово қишлоғида юз берган. Ҳодиса бўлган жойда 1,5 метрли ўра қолган ҳолос. Ҳалок бўлганлар жасадлари ён-атрофга сочилиб кетган. Яқин орадаги уч уй буткул вайрон бўлган. Шунингдек, йигирмага яқин уй ҳам портлашдан талафот кўргани хабар қилинмоқда.

ҲОЗИРЧА ВАЪДА ХОЛОС

Амстердам университети ходими доктор Рональд Ван Рее аллергия хасталигидан азиат чекаётганларга умид бағишлади.

Унинг айтишича, аллергиялар табиати ва тузилиши ҳақида олимлар йўқан бой маълумот овқатлаш туфайли кўзгалувчи аллергиянинг кўплаб турлари иммунитетни олажазининг самарали ва хавфсиз усулларини кашф этишга йўл очиб беради.

УМР ҚАДРИНИ БИЛМАГАНЛАР

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг таъкидлашича, ўз жонига қасд қилиш урушлар ва қотилликлардан ҳам кўра кўпроқ инсонлар умрини хазон қиларкан.

Тадқиқотлар гувоҳлиги қараганда, ҳар йили 20 миллиондан 60 миллионгача одам ўз умрига нуқта қўйишга уринармиш. Маълум бўлишича, шулардан тахминан миллионтаси мазкур нохўя ҳаракат туфайли ҳаётдан кўз юмаркан.

ҲАЙКАЛЛАРГА ХАРИДОР КЕРАК

Sotheby's Девоншир герцогига қарашли замонавий ҳайкалтарошлик асарлари коллекциясининг савдоолди кўргазмасини ташкил қилди. Генри Мур ва Дэмьян Херст асарларини ҳам ўчига қамраб олган бу тўплан қиймати 28 миллион долларга тенг деб ҳисобланади.

Sotheby'sнинг ҳайкаллар коллекцияси ҳаводасидаги иштироки аукционлар уйи ўз зиммасига дилерлик вазифасини олаётганидан далолат беради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ	Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.	Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридagi Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
--	--	---	---	---	--